

КОРРУПЦИЯ-ЖАМИЯТ КУШАНДАСИ**Исомиддинов Юнусжон Юсуббоевич,**

Самарқанд давлат чет тиллар

институти (PhD), катта ўқитувчиси (Тел +99890 191-50-50)

Ҳар бир жамиятнинг асл ғояси унинг энг нодир ҳамда ноёб эзгу хислатлари, яъни меҳр-мурувват, сабр-тоқатлилик, андишалик, ор-номуслик, шарму-ҳаёлик, нафосатлилик, ўткир дидлилик, ибо-иффатлилик, бағрикенглик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва бошқа маънавий қадриятлар билан узвийлашган ғоялар мужассам бўлган бўлади. Шу асосда, жамиятда муайян ислохотлар тизимида ўзаро алоқадорликларни қандайдир бир коррупция асосида вужудга келишига йўл қўймаслигимиз лозим. Бунинг сабаби – давлат ва жамият бошқарувида кучли ижтимоий механизмлар ривожланса, унинг ўзига хос тизим сифатида қонун ва ҳуқуқий-меъёрийлар ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан коррупциясиз тизимнинг вужудга келиши учун у, албатта, жамият бошқарувида муайян миллий ғоялардан ташкил топган фалсафий дунёқараш шаклланиши ва ўзига хос шахс дунёқарашига таъсир этувчи тизим ривожланиши зарур. Шу билан бирга, бу жараён коррупция элементларини йўқотиш, халқнинг орзу-интилишларини ўзида ифодалаш лозим.

Биринчидан, коррупцияга қарши курашда жамиятда давлат ва жамият бошқаруви ходимларига ишончни кучайтириш, ҳар бир фуқарода ҳалоллик, поклик туйғуларини халқимизнинг тарихи билан боғлиқ ҳолда ривожлантириш лозим. Аждодларимиз ижтимоий ҳаётида фалсафий кўриниш сифатида жамиятнинг амалий ва маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган поклик ва ҳалолликни шакллантириш лозим. Бу мафкуравий жараёнда халқимизнинг Оллоҳга бўлган ишончи ва табиатни гўзал манзараларини эъзозлаш муҳим саналади. Одамларни Оллоҳ йўлида адолатли яшашга чорлаш, покланишга давъат этиш орқали салбий иллатлардан тийилишга чорланади. Ижтимоий ҳаётда Оллоҳга эътиқод орқали шахснинг руҳиятига кучли таъсир ўтказилиб, одамларнинг ҳар бирини кўнглига етиб бориш, уларни буюк ва ягона мақсадлар сари ҳаракатга келтириш вазифасини фақат муайян улкан ғоялар тизими бажариши мумкин. Бу ҳолни бамисоли табиат одамларга ўзининг гўзаллигини ҳам намоиш этиши ва одамлар ундан лаззатланиши учун, уларга битта ранг билан эмас, балки муайян тартибда жойлашган ранглар билан таъсир қилишига ўхшатиш мумкин.

Иккинчидан, ислом дини дунё миқёсида энг мукаммал дин сифатида бугунги кунда эътироф этилади. Мана шу ҳам, жамиятда коррупцияга қарши ижтимоий механизм сифатида ислом дини тарғиботчиси сифатида майдонга келган. У орқали одамларда коррупциянинг олдини олишга доир ғоявий қарашлар илгари сурилади. Инсонни дин халқнинг мақсад ва манфаатлари, эҳтиёж ва орзу-ниятларидан келиб чиқиб, уни эзгулик ва бунёдкорлик ишларига, буюк мақсадларни бирлаштириш ва сафарбар этишга

чорлайди. Қуръони Карим ва Ҳадису шарифларда баён этилган минг-минг ғоялар тизими асосида ҳалол ва камтарин бўлишга хизмат қилади. Шу боис, коррупцияга қарши курашиш ва тарғиботида дин, авваломбор, мафкуравий тизим сифатида вужудга келиб, ўз таркибига нафақат кўплаб миллий ва миллий бўлмаган ғоялардан ташкил топган тизимни, балки муайян амаллар тизимини ҳам ҳаракатга келтиради.

Учинчидан, миллий мафкура жамиятда коррупцияга қарши курашишда мафкуравий профилактика вазифасини бажаради. Бунда миллий мафкура шундай янги салоҳиятга эга бўладики, энди унинг одамларга бўлган таъсирчанлиги бир неча марта ошади. Чунки унинг таркибидаги ҳар бир миллий ғоя теранроқ ва яққолроқ англанишига имкон туғилади. Бунга асос сифатида миллий ғоянинг тамойиллари хизмат қилади.

Бундан ташқари, жамиятда ҳалқимизни коррупцияни камайтиришга доир дунёвий билимлар, диний-илоҳий қадриятлар, маърифатпарварлик, комил инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар, ҳикматлар, озодлик, адолат, поклик, ҳалоллик, мардлик, ватанпарварлик, инсонийлик, нафосат, инсоннинг моҳияти, инсон ҳаётининг маъно-мазмунини ва ҳоказолар ҳақидаги доно фикрлар, миллий ва умуминсоний ахлоқий-эстетик қарашлар, ҳалқимизнинг ўзига хос бўлган соғлом турмуш тарзи, тафаккури ва дунёқарашида акс этган эртак ва афсоналари, миллий қаҳрамонларимизнинг ҳаёти, қаҳрамонона ишлари ва бошқалар билан тарбиялаш миллий мафкурамизнинг муҳим мақсади ҳисобланади. Бу борада Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев сўз юритар эканлар, “мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш мақсадида ушбу йуналишда алоҳида қонун қабул қилинди. Шу асосда аниқ мақсадларга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган давлат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ана шундай ишларимиз натижасида шу йилнинг 9 ойида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилга нисбатан 33 фоизга камайди. Биз бундай натижаларни коррупцияга қарши кураш борасидаги узоқ ва давомли фаолиятимизнинг дастлабки самараси, деб қабул қилишимиз, бу йўлда янада қатъий иш олиб боришимиз шарт”¹, – деган фикрни билдиради.

Миллий мафкурамиз жамиятда коррупцияга қарши курашишга хизмат қилар экан, у алоҳида давлатнинг мафкураси борасида фаолият олиб бориши таъқиқланади. У фақатгина ҳалқнинг дунёқарашига асосланиши лозим. Чунки Қомусимизда “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”², – деган сўлар мавжуд. Бу жумлалар биз коррупцияга қарши курашаётган бир пайтда мафкуранинг ролини давлатда мутаҳкамлашимиз, жамиятимиздаги ҳар бир шахс ҳалол ва пок яшашини таъминлашимиз учун хизмат қилишини барчамиз англашимиз лозим.

¹ Мирзиёев Ш.М. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон, 2-жилд, 2018. 90-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2000, – Б. 11.

Барчамиз давлат ва жамият бошқарувида коррупцияга қарши биргаликда курашишимиз, юртимиз ўтмиши ва ҳозирги кунини бирлаштиришимиз, халқнинг келажакка ишонч ва ҳис-туйғуларини ҳар бир шахснинг кўнглида ободлик, фаровонликка ишонч сифатида ривожланишимиз керак.

Миллий мафкурада шахснинг ижтимоий муҳити, яъни борлигини ўзида акс эттирадиган тарихи, ўтмиши ва бугуни, дунёвий интилишлари мужассам бўлиши керак. Миллий мафкуранинг мана шу жиҳатлари жамиятни коррупциядан холи қилишда долзарб саналади. Ушбу жараённинг шаклланишида мафкуранинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз бораркан, таниқли профессор С.Мамашокиров сўз юритиб, “жамиятда мафкура халқчиллашса, ғоялар реаллашиб, ўзини ўзи тартибга солиб, потенциал ривожланувчи ижтимоий муҳит ва уни ҳаракатлаштирувчи шарт-шароитдан иборат динамик тизим – жонли система пайдо бўлади”³, – дейди. Бугун биз ҳам юртимизнинг фаровонлиги ва ободлиги йўлида барча инсонларни бирлаштира оладиган мустаҳкам эътиқодли фуқароларни тарбиялашимиз лозим. Шундагина биз сўз юритаётган жамиятдаги коррупцияга қарши курашиш борасида кенгроқ ва фойдалироқ фикр юритишимиз мумкин бўлади. Бунинг учун фуқароларимизда қонунларга эътиқодни кучайтириш, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш асосий мақсад бўлиши лозим. Ҳар қандай жамиятда “эътиқодли одам, аввало, фойдали иш билан шуғулланади, ўзгаларга зиён келтирувчи амаллар қилмайди, ёлғон гапирмайди. Эътиқодли инсон нима қилаётганини, нима учун айнан шу ишни қилаётганини жуда яхши билади”⁴ бўлади. Шундай бир шароитда ҳар биримиз жамиятда шахснинг пок туйғуларини шакллантиришга қаратилган, инсоният учун хизмат қиладиган, халқимизнинг тақдирини юксак пағонага кўтарадиган коррупциясиз жамиятга эҳтиёж сездик. Бундай жамиятнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, фуқароларнинг миллий ғояга содиқлигини тарбиялаш барчамизнинг вазифамиз бўлмоғи лозим.

Бугунги кунда жамият равнақи ва халқимизнинг азалий орзу-умидларини ўзида ифодалаган, шахс фаровонлигини юксалтиришга иштилоқ, миллий мафкурага эҳтиёжнинг вужудга келиши ва унинг давлат сиёсати даражасида муҳим аҳамиятга эга бўлишига олиб келди. Бу масаланинг ниҳоятда долзарб эканлигини юртбошимиз таъкидлар экан, “Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда ... Эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда ғов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни

³ Мамашокиров – С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007. – Б. 20.

⁴ Хўжанова Т.Ж. Мафкуравий профилактика – ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш омили (ижтимоий-фалсафий таҳлил). “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, – Тошкент, 2019. – Б. 125.

ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб биладиган”⁵ кадрларни етиштириш миллий мафкурамизнинг долзарб масаласидир.

Бу мафкура негизида Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамиятида шахс манфаатларини устун қўйиш, давлатнинг ислохотлар жараёнидаги фаолиятида “коррупциясиз соҳа” тизимини мустаҳкамлаб бориш долзарб ҳисобланади. Ижтимоий тараққиёт қонунларига, кўра “шахснинг ғоя ва мафкура ҳамда маданияти жамиятда ҳал қилувчи аҳамиятга эга”⁶. Мана шу фаолиятда жамиятнинг юксак дидли ва адолатпарвар фуқароларга эҳтиёжи кучайиб боради. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланаётган инсонларни эзгу мақсадлар сари йўналтириб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларда мафкуранинг кучли шаклланишини талаб этади. Натижада, халқнинг турмуш тарзини акс эттирувчи, соғлом фикрли шахс ёхуд ёш авлодни тарбияловчи муайян қарашлар ва фикрлар йиғиндисидан иборат мафкура вужудга келади.

Ҳозирги кунда коррупцияга қарши курашиш борасида жаҳонда мавжуд конвенцияларга ҳам Ўзбекистон қўшилиб, ҳамжамят билан ҳамкорликда миллий мафкура давлатимиз асосида фаолият олиб бормоқда.

Бундай маънавий-ижтимоий жараён бевосита инсон маданияти ва тафаккурининг юксалишига хизмат қилиб, уларнинг тарих, ахлоқ, мафкура, санъат, маданият, адабиёт, миллий қадриятлар, миллий мерос, урф-одат, диний эътиқодлар борасидаги билимлари ва тажрибаларининг замонавийлашиб боришига хизмат қилади. Инсоннинг ушбу фалсафий тафаккури, инсонпарварлик, демократик тамойиллар, миллий мафкура билан уйғунлашса, ҳатто, фожиалар рўй берган вақтда ҳам, моддий қийинчилик кунларни ўз бошидан кечираётган пайтда ҳам салбий иллат бўлган коррупцияга йўл қўймайди, балки адолатли ҳаётни барпо этиш учун порлоқ истиқбол сари шахдам қадам ташлашга хизмат қилади.

биринчидан, мамлакатда коррупцион ҳолатларга чек қўйиш масаласи муҳим ижтимоий масала сифатида кун тартибига қўйилди. Барча соҳаларда фуқароларнинг бу иллатни жамиятда камайитиришга оид чора-тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар бошланди. Одамларда ҳуқуқий онгни юксалтириш, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқлари доирасида меҳнатига яраша ҳақ тўланиши ва қонун доирасида фаолият олиб бориш асосий вазифага айланмоқда. Айниқса, давлат ва жамият бошқарувида коррупцион ҳолатларга батамом чек қўйиш, давлат хизматчиларининг “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланиши бугунги куннинг долзарб масаласи сифатида майдонга чиқди. Ҳукуматимиз томонидан қатор фармон ва қарорлар ишлаб чиқилиб, жамиятда адолат, ҳақиқат, ҳалоллик сингари тушунчаларга эътибор қаратилмоқда;

⁵ Мирзиёев Ш.. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1-жилд, 2017. – Б. 500.

⁶ Норматов К., Файзиёв С. Ёшларни миллий ғоя ва мафкура руида тарбиялаш ва терроризмга қарши курашнинг айрим масалалари. // Миллий ғоя ва мафкуранинг фалсафий-ҳуқуқий фанлар ривожидagi аҳамияти. -Т.: 2008, Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти. 77-бет.

иккинчидан, коррупцияга қарши курашишда жамоат бирлашмаларининг фаолиятини таъминлайдиган ижтимоий механизмларни такомиллаштириш, бу борада давлат идоралари билан ҳамкорликни кучайтириш муҳим ҳисобланади. Фуқароларимиз қонун доирасида фаолият юритиши ва унинг фаолияти шаффоф бўлиши муҳим. Бунинг учун ҳар қандай мансабдорнинг ҳаракатлари ва фаолияти очиқ бўлиши керак. Бунда жамоатчилик назоратини кучайтириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, имтиёзли қарорлар қабул қилиш муҳим ижтимоий механизм сифатида жамият ривожига хизмат қилади;

учинчидан, давлат бошқарувининг муҳим бўғини ҳисобланган ҳокимият фаолиятида шаффофлик масаласида кўрилаётган чора-тадбирлар етарли эмас. Экспертлар давлат бошқарувидаги юқори даражадаги шаффофлик коррупциянинг олдини олишнинг асосидир, деган фикрни доимий равишда қайд этадилар. Дарҳақиқат, расмий маълумотларнинг оммавий ахборотдан устунлиги, расмий ва жамоат ахбороти билан ишлаш борасидаги камчиликлар, давлат идораларида бўлаётган йиғилишларда жамоатчиликнинг қатнашишига йўл қўйилмаслик, улардаги мавжуд маълумотларни олишга бўлган бюрократик тўсиқлар натижасида шаффофлик йўқолиб боради ҳамда бу коррупцияни илдиз отишига замин яратади;

тўртинчидан, давлатимизда келажақдаги коррупция ва унинг олдини олиш билан боғлиқ аналитик марказ шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бу марказнинг асосий вазифаси давлат механизмида коррупцияга қарши олиб борилаётган ишларнинг амалий натижаларини, шу жумладан, давр ўзгариши билан ушбу соҳалардаги ижобий натижаларни ҳар томонлама, мониторинг қилиши мақсадга мувофиқдир. Худди шундай иш жараёни жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилиб, ишнинг натижалари юзасидан ўз қарашларини билдириб бориши муҳим ҳисобланади;

бешинчидан, давлат ва жамият бошқарувида кучли ижтимоий механизмлар ривожланса, унинг ўзига хос тизим сифатида қонун ва ҳуқуқий-меъёрийлар ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан коррупциясиз тизимнинг вужудга келиши учун у албатта жамият бошқарувида муайян илмий ва миллий ғоялардан ташкил топган фалсафий дунёқараш шаклланиши, ўзига хос шахс дунёқарашига таъсир этувчи тизим ривожланиши зарур. Шу билан бирга, бу жараён коррупция элементларини йўқотиш, халқнинг орзу-интилишларини ўзида ифодалаши лозим. Шу билан бирга, бу жараён коррупция элементларини йўқотиш, халқнинг орзу-интилишларини ўзида ифодалаши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хрестоматия государства и права зарубежных стран. Древность и Средние века сост. В. А. Томсинов. - М.: Зерцало, 1999; 2004. - С. 56.
2. "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, 2017 йил 3 январь.
3. Куръони карим, 2:188
4. Таблица IX. 3. Авл. Гелий Законы XII таблиц. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран / под ред. В. А. Томсинова. - М.: Зерцало, 1999. С. 120.
5. Макиавелли Н. Избранное. М, 1989.
6. Элдор Туляков. Коррупцияга қарши курашиш маданияти шаклланиши зарур // 31 май. 2019 й. "Тараққиёт стратегияси" маркази. <https://strategy.uz/index.php?news=530>